O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№


# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 9 октябрь, №217 (3045) Чоршанба


# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

***Шу йилнинг 6-7 октябрь кунлари Молдова пойтахти Кишинёвда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.***



Давлатимиз раҳбарининг Кишинёвга ташрифи Молдова Президенти Владимир Воронин билан учрашувдан бошланди. Учрашувда Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

7 октябрь куни МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари "Кодру" қароргоҳида тор доирада суҳбатлашди. Унда Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, МДҲ фаолияти, мамлакатлараро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

МДҲ доирасида бундай учрашувлар кўп бўлган. Уларда аъзо давлатларнинг, аввало, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларини кенгайтириш, шу йўл билан мазкур тузилма фаолиятини аъзо мамлакатлар манфаатига хизмат қилдиришдек хайрли ҳаракатлар мақсад қилиб қўйилган. Жаҳонда глобал миқёсдаги интеграциялашув жараёни кечаётган ҳозирги даврда МДҲ фаолияти ушбу жараёнга мосми? МДҲ аъзо мамлакатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириб бориш борасида давр талабига жавоб берадиган тузилма бўла оляптими?

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Кишинёвга жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида бу борада қуйидагиларни баён қилди.

МДҲ фаолиятида кейинги пайтлари анча сусайиш кузатилмоқда, — деди Президентимиз. Аҳвол шу зайлда давом этса, бу тузилманинг келажаги қандай бўлади, деган табиий савол туғилади. Аммо Ҳамдўстлик улкан минтақада давлатлараро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий алоқаларни чуқурлаштириш, турли соҳаларда, айниқса, иқтисодий жабҳада ҳамкорликни кенгайтириш йўлида ягона ташкилот бўлиб қолмоқда. Бинобарин, келгусида МДҲ фаолияти самарадорлигини оширишда барча имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш зарур.

Дарҳақиқат, ҳар қандай халқаро ташкилот унга аъзо мамлакатлар манфаатига хизмат қилсагина унга эҳтиёж сезилади. МДҲ доирасида ишлар талаб даражасида амалга оширилмаётгани кейинги пайтларда тез-тез таъкидланмоқда.

Кишинёв саммитида эркин савдо зонасини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган яна бир туркум масала, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Саммит иштирокчиларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида ҳам бу масалалар янада батафсилроқ муҳокама этилди. Хусусан, истиқболда жаҳон иқтисодий ҳамкорлик жараёнларининг жадаллашувини ҳисобга олган ҳолда, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратишга қаратилган истиқболли вазифаларни белгилаб олиш режаларига алоҳида эътибор берилди.

Эркин савдо зонаси ташкил этиш ҳақидаги ва бошқа тегишли ҳужжатларни ҳаётга жорий қилиш борасида ҳар бир давлат зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Бу жараёнда эркин савдо зонасидаги иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириб бориш механизмини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилади. Мазкур вазифаларни бажариш учун эркин савдо зонасида рақобатбардош маҳсулотларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, транспорт харажатларини камайтириш, ҳамда МДҲ давлатлари иқтисодиётида ишлаб чиқариш соҳаларини техникавий жиҳатдан янгилашнинг 2015 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш зарурати ҳам бор.

Президентлар наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини тасдиқлади.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси бутун инсониятни жиддий ташвишга солиб келаётган муаммолар сирасига киради. Бу муаммо МДҲга аъзо мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам долзарб. Қўшни Афғонистонда кечган қарийб чорак асрлик қуролли можаро бу ўлкани гиёҳванд моддалар етиштириладиган майдонга айлантирди. Бу оғу турли йўллар билан дунёнинг бошқа қитъаларига ҳам етиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов куни кеча Душанбеда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотининг саммитида ҳам бу масалага алоҳида тўхталди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда террор ўчоқлари тугатилганига қарамай, гиёҳванд моддалар етиштирилиши ва савдоси ҳамон давом этмоқда. Бу иллатга барҳам бериш учун халқаро миқёсда, жумладан, МДҲ доирасида ўзаро ҳамкорликдаги курашни кучайтириш керак.

Шу жиҳатдан ҳам наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамжиҳатликда курашни кўзда тутувчи мазкур концепция саммитда муҳокама қилинган энг муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилди.

Саммитда чегара соҳасида ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши биргаликда курашнинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган дастурлари маъқулланди.

Шундай қилиб, МДҲнинг навбатдаги саммити ниҳоясига етди. Президентлар яна бир бор Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларга назар ташлади, босиб ўтилган йўлни таҳлил этди. МДҲ доирасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди. Энг муҳими, Кишинёв саммити аъзо давлатларнинг вазифаларни бажаришда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга, шу йўл билан мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини, халқлар фаровонлигини ошириш борасида ўзаро самарали ҳамкорлик қилишга интилишини яна бир намойиш этди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, МДҲнинг зарурати ҳам айнан ана шу жиҳатда кўринади. Яъни, юзага келган умумий, айниқса, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш МДҲ имкониятларидан тўла фойдаланишни тақозо этади.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Кишинёв-Тошкент.**

СУРАТДА: *саммитдан лавҳа.*
**Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ўктам Исмоилов бошқарди.*

# МАЖМУА МАЖЛИСИ

Мажлисда 2002 йилнинг тўққиз ойида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича амалга оширилган ишлар якунлари кўриб чиқилди.

Таъкидландики, жорий йил бошидан буён 1182 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ҳамда хусусийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 марта кўп. Хорижий сармоядорларга қиймати 22,2 миллион АҚШ долларидан ортиқ акциялар ва объектлар, шу жумладан 43 та объект сотилди. Бу 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 марта кўпдир. Шунингдек, 19 та қўшма корхона ташкил этилди.

"Тошкент" республика фонд биржаси савдоларида 882 та акционерлик жамиятининг умумий қиймати 6,69 миллиард сўмдан ортиқ акциялари сотилди. Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари очиқ савдолари орқали 5,18 миллиард сўмлик 7790 та давлат кўчмас мулк объекти (тугалланмаган қурилишлар, ишлаб чиқариш иншоотлари, ер майдонлари, АЁҚШ, автотранспорт, мол-мулк ва шу кабилар) сотилди.

Ҳукумат қарорларига мувофиқ корхоналарнинг мулки ва низом жамғармаларини рўйхатдан ўтказиш натижасида умумий миқдори 42,5 миллиард сўм, шу жумладан, 2002 йилда 17,7 миллиард сўм давлат активлари аниқланди ва қайта тикланди. Шу билан бирга мажмуа мажлисида айрим вазирлик ва идоралар томонидан катта миқдордаги давлат активларини сотиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмагани таъкидланди. Улар орасида "Ўзкимёсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзбекистон темир йўллари", "Шарқ", "Ўзбекэнерго" компаниялари, "Ўзозиқовқатсаноат", "Ўзэлтехсаноат" уюшмалари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бор.

Жорий йил бошидан буён 37 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси ташкил этилган бўлиб, 1 октябрга келиб мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналари 231,6 мингтага етди. Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 70,4 мингтага, юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари сони эса 18,9 мингтага етди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 292,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 138,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2001 йилнинг тўққиз ойи мобайнида берилган кредит маблағларидан 1,3 марта кўпдир.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу сўнгга хабар

## Лондонда кураш бўйича нуфузли мусобақа

Кураш бўйича ўтказиладиган турли турнир ва биринчиликлар халқаро спорт мусобақалари тақвимидан муқим жой олган. Буюк Британияда ўтказиладиган анъанавий "Ислом Каримов" турнири, шубҳасиз, ана шундай нуфузли мусобақалар сирасига киради.

Кураш халқаро ассоциациясининг матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, шу йил 12 октябрь куни Лондон шаҳридаги "Ҳай Вайкомб" спорт мажмуида кураш бўйича "Ислом Каримов" учинчи анъанавий турнири бўлиб ўтади.

Мусобақада таниқли полвонлар билан бир қаторда, турли вазн тоифасида ёшлар, ўсмирлар, спорт фахрийлари ғолиблик учун гиламга чиқади. Шунингдек, қизлар, аёллар ва фахриялар ҳам беллашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Деҳқон имтиҳони

## Мамлакатимизда пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаси 54 фоизга етди

Жорий йил пахтачилик учун бирмунча мураккаб келди. Баҳордаги кетма-кет ёғингарчилик, ёзда ҳароратнинг меъёрига нисбатан паст бўлиши ғўза ривожига салбий таъсир қилди. Лекин мамлакатимиз деҳқонларининг фидокорона меҳнати, бой тажриба ва тадбиркорлик билан иш юритилганлиги, агротехника қоидаларига қатъий амал қилинганлиги ўз самарасини берди. Далаларда режада кўзда тутилганидан ортиқ даражада хомашё етиштирилди.

Таъкидлаш керакки, республикамизда пахта йиғим-терими мавсумига ҳар доимгидек жорий йилда ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йил 29 августда қабул қилинган «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мавсумга алоқадор барча вазирлик, уюшма, қўмита, компания ва тармоққа молиявий хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятида дастур вазифасини ўтаётир.

Ҳар йилгидек жорий йилда ҳам **Андижон вилояти пахтакорлари йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб уддалашга эришдилар.** Қайта ишлаш корхоналарига топширилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди. Бу «Андижон технологияси»нинг афзаллигини яна бир бор исботлади.

Пахта тайёрлаш бўйича кундалик маълумотномага назар ташлайдиган бўлсак, **пешқадамлар сафида Фарғона ва Қашқадарё вилоятларини кўриш мумкин. Ушбу вилоятларда ҳозиргача йиллик топшириқнинг 70 фоизидан зиёд хомашё тайёрланди.** Сурхондарё ва Наманганда эса бу кўрсаткич 70 фоизга яқинлашиб қолди.

Ҳозир мамлакатимизда мавжуд барча куч, техника ва бошқа воситалар ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга қаратилган. **Ҳар куни 86-87 минг тонна атрофида хомашё тайёрланмоқда. Бу йиллик режанинг 2,2-2,3 фоизини ташкил қилади.** Кунлик суръатда эса Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятлари деҳқонлари илғорликни қўлдан бермай, кунига 3-4 фоиз миқдорида «оқ олтин» йиғиштириб олишмоқда.

Шу кунгача битта вилоят ва 14 туман йиллик шартнома режасини бажарди. Яна учтўрт туман эса топшириқни бажариш арафасида турибди.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг маълумотига кўра, республикамизда тайёрланган пахта шу кунгача топшириққа нисбатан 53 фоиздан ошди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида ҳосилни техника ёрдамида саранжомлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу боис ушбу ҳудудларда кунлик суръат ортиб бормоқда.

Лекин, афсуски, барча жойларда ҳам бу борадаги аҳвол яхши, деб бўлмайди. **Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида кунлик ўсиш суръати паст. Шу кунларда ҳаво деҳқон кўнглига қараётган бўлса-да, бу ҳудудларнинг кунлик ўсиши ноль рақамидан бошланяпти.** Кегайли, Шуманай, Хўжайли, Ш.Рашидов, Қизириқ, Жарқўрғон ва Бандихон туманларида ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йил кузи пахтакор учун ниҳоятда яхши келди. Ўтган куни баъзи вилоятларга ёмғир бироз сепалаб ўтганлигини ҳисобга олмаганда, ҳаво пахтакор кўнглига қарамоқда. Қуёш чарақлаб, ҳарорат илиқ бўлиб, ҳосилни саранжомлаб олишга қулай келмоқда. Албатта, бундай имкониятдан унумли фойдаланиш зарур. Сафарбарликни кучайтириш, барча мавжуд воситаларни ишга солиш лозим.

Туман ва хўжалик раҳбарлари яна бир муҳим масалани эсдан чиқармасликлари керак: ҳозир йиғиштириб олиниб, қайта ишлаш корхоналарига топширилаётган хомашё юқори навларга сотилмоқда. Албатта, бунинг пахтакор учун фойдаси катта. Агар ёғин-сочинли кунлар бошланса, ҳосилнинг сифати пасайиши аниқ.

Жорий йилда пахтакорларимиз шартномага кўра, 3 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашлари керак. **Ҳозиргача улар томонидан яратилган хирмон 2 миллион тоннадан ошди.** Эндиги асосий вазифа бор куч ва техника ёрдамида даладаги ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, айни пайтда нафақат хўжалик ва туман раҳбарлари, балки йиғим-терим мавсумига алоқадор ҳар бир мутахассис зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиши, ҳавонинг илиқ ва қуруқ дамларидан унумли фойдаланиши, пахта халқимизнинг миллий бойлиги ва давлатимиз қудрати эканлигини англаган ҳолда иш юритиши лозим.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Чўл хирмони юксалмоқда

Бугун далаларда бўлган киши чаноқларда тўлиб-тошиб турган оппоқ пахтани кўриб, дили яйрайди. Бу, албатта, деҳқонларнинг самарали меҳнати шарофати. Хусусан, Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги Собиржон Сиддиқов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳам бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирдилар.

Айни пайтда ушбу жамоада пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

— Жорий йилда 2005 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ошириб пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди бошқарув раиси Нўъмонжон Ўринов. — Бу марра, албатта, забт этилади.

**Каримжон РИХСИЕВ.**

СУРАТДА: ***ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Нўъмонжон Ўринов ҳосил чўғидан мамнун.***

**Муаллиф олган сурат.**

## "Экосан" пахта далаларида

Йиғим-терим қизғин паллага кирган айни кунларда "Экосан" халқаро хайрия жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими ходимлари ҳам пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Улар пахтакор хўжаликларида бўлиб, дала меҳнаткашларига биринчи тиббий ёрдам учун зарур 150 минг сўмлик аптечкалар, "Полиспит" суюқлиги каби дармондорилар етказиб бердилар.

**Т.БЕКНАЗАРОВ.**
**(ЎзА).**

14th Asian Games BUSAN 2002

Пусанда ўтказилаётган XIV Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, юртдошимиз — енгил атлетикачи Любовь Перепелова 100 метрга югуриш беллашувларида маррага иккинчи бўлиб етиб келган.

## Беллашувлар қизғин давом этмоқда

Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси — вазни 96 килограмм бўлган эркин курашчилар беллашувида Муҳаммад Иброҳимов хитойлик рақибини 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Ирода Тўлаганова Олег Огородов билан бирга аралаш жуфтликлар учрашувида Жанубий Корея теннисчиларини мағлубиятга учратди. Ирода Тўлаганова яккалик баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

**(ЎзА).**



СУРАТДА: *олтин медаль соҳиби Артур ТАЙМАЗОВ.*
**А.ИЛЁСОВ («Жаҳон»АА) олган сурат.**

## Она ва бола манфаатлари давлат эътиборида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари иштирок этди. Унда мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2002 йил тўққиз ойи фаолияти натижалари муҳокама этилди.

Йиғилишда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Т.Норбоеванинг жамиятда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Қайд этилганидек, юртимизда аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишлари ўзининг ижобий самарасини беряпти. Юртимизда оналар ва болалар ўлими камайди.

Оилалар иқтисодий аҳволини яхшилаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида 110 минг 630 нафар аёл иш билан таъминланди. Хотин-қизлар иштирокида ўтказилаётган ҳуқуқий, маънавий, маърифий йўналишдаги ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари мақсадли дастури"нинг жорий йил биринчи октябргача бўлган ижросининг аҳволи муҳокама этилди.

Мазкур дастурга мувофиқ туғиш ёшидаги аёллар, қизлар ва ўсмир қизлар саломатлигини чуқур ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Юртимиз вилоятларида туғиш ёшидаги касаллиги мавжуд бўлган аёллар соғломлаштирилди. Жойларда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари замонавий асбоб-ускуна ва тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш" мавзуида 16 соатли факультатив дарслар, олий ўқув юртларида "Тиббий билим асослари" курси жорий этилди.

Йиғилишда "Соғлом авлод", "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурлари, ҳукуматимиз ва БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан қабул қилиниб, 2000-2004 йилларга мўлжалланган "Ҳамкорлик дастури"нинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА).**

Кашфиёт

# Янги сайёрами?



**Астрономлар Қуёш тизимида сайёрага ўхшаш фазо жисмини топишди. У Қуёш атрофида Плутондан 1,5 миллиард километр узоқликда айланади.**

**Янги сайёрага ўхшаш фазо жисмини Кваоар деб номланди.**

**Унинг айланаси 1280 километр. У Ердан 10 баробар кичик.**

**Ушбу фазо жисмини қуёш тизимида 72 йил аввал Плутон топилганидан сўнгги йирик топилмадир.**

**Унинг Қуёш атрофида айланиш вақти 288 йилга тенг.**

**«Би-би-си»нинг маълумотига кўра, фазо жисмини Калифорния технология институти мутахассислари томонидан топилди. Уни «Хаббл» космик телескопидан олинган суратлар ҳам исботламоқда.**

**Кваоар Койпер камарида жойлашган бўлиб, бундан 5 миллиард йил аввал Қуёш тизимининг вужудга келишида иштирок этган музлик ва қоялардан иборат.**

Жамият

# Чинакам демократияга қайтилади

Покистон президенти Парвез Мушарраф Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида шу йил 10 октябрь куни ўтказиладиган сайловлардан сўнг ҳукуматга халқ танлаган Бош вазир раҳбарлик қилишини яна бир бор таъкидлаган. Мушарраф айни пайтда ҳукуматга ҳам бошчилик қилмоқда.

«РИА» Новости» агентлигининг маълумотига кўра, янги Вазирлар Маҳкамасининг илк йиғилиши 26 октябрда ўтказилиши режалаштирилган. Уч йил ҳукуматни ҳарбийлар бошқарганидан сўнг бу иш энди фуқаролар зиммасига ўтади. Мушаррафнинг айтишича, Покистон «чинакам демократияга қайтади».

Яқин Шарқ

# Амалиётлар қораланди



**БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил қўшинларининг Фаластин мухториятида жойлашган Хон-Юнис шаҳрида ўтказган амалиётларини қоралади.**

**«ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълумотига қараганда, Исроил ҳарбий вертолётининг фаластинликлар гавжум жойга ракета зарбаси берганлиги оқибатида бегуноҳ фуқаролар ҳаётдан кўз юмганлигини алоҳида қайд этган.**

**БМТ Бош котибининг айтишича, Исроил ҳаракатларини на ҳуқуқий, на маънавий жиҳатдан тўғри деб бўлади.**

Тикланиш

# Янги Конституция лойиҳаси

Афғонистонда мамлакатнинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш бўйича қўмита тузилди. Бу ишга вице-президент Неъматулла Шароний раҳбарлик қилади.

Мамлакат асосий қонунининг лойиҳаси келгуси йили муҳокама этилиб, сўнгра қабул қилиниши кутилмоқда.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълумотига кўра, Конституция мамлакатда 2004 йилда ўтказиладиган парламент сайловларига асос бўлади.

Сайловлар

# Иккинчи тур бўлади

**Бразилияда бўлиб ўтган президент сайловларида Луис Игнасио Лула 47 фоиз овоз олган. Бу сайловнинг иккинчи тури ўтказилади, демакдир. Чунки номзод 50 фоиз ва яна бир овоз олиши лозим.**

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, мамлакат тарихида илк бор социалистик партиянинг номзоди президент сайловларида илгарилаб кетди.**

**Бошқарувдаги партия номзоди Хосе Серра — 24 фоиз, Рио штатининг собиқ губернатори Антониу Гаротиньо 17 фоиз овоз олди.**

# «Янги давр» ғолиб

**Латвияда бўлиб ўтган парламент сайловларида «Янги давр» партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олишга муваффақ бўлди. Уни сайловчиларнинг 23,5 фоизи қўллаб-қувватлади.**

**Марказий сайлов комиссиясидан олинган маълумотга қараганда, иккинчи ўринни 18,81 фоиз овоз олган «Ягона Латвияда инсон ҳуқуқлари учун» сўллар партияси эгаллаган, ундан сўнгги ўринни 16,66 фоиз овоз олган Халқ партияси ишғол этган.**

**Бу «Лента.ру»дан олинган маълумот эди.**

Диний оқим



# Назорат узайтирилади

Япония ҳукумати «Аум Синкрикио» сектаси устидан очиқ назорат режимини яна уч йилга узайтирмоқчи. Секта аъзолари 1995 йили Токио метросида газ ҳужумини амалга оширганлик ва бошқа жиноятларда айбланган эди.

Ҳукумат манбаларидан хабар берилишича, ана шу муносабат билан мамлакатнинг тегишли хавфсизлик бошқармасига керакли ваколатлар берилади.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълумотига кўра, сектанинг собиқ раҳбарларининг қарийб барчаси ҳозир қамоқда ўтиришибди. Уларнинг баъзилари ўлим жазосига ҳукм қилинган. Лекин айни пайтда секта Японияда тақиқланмаган. Қонун бўйича «Аум Синкрикио» ҳукуматга ўз аъзолари ва молиявий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот бериши лозим.

Мозийдан садо

# Денгиз тубидаги бойлик

Американинг «Odissey Marine Exploration Inc» компанияси Буюк Британия ҳукумати билан Ўрта Ер денгизида чўкиб кетган кемани кўтариб олиш ҳақида шартнома тузди.

Тахминларга кўра, унда 4 миллиард АҚШ долларига тенг қимматбаҳо бойлик бор. 1694 йили Ўрта Ер денгизи ҳудудидаги Гибралтар бўғози яқинида талофатга учраган «Суссекс» кемасида бир миллион фунт стерлингга тенг олтин тангалар бўлган.

Сохта ресторанлар

# Италия текширув ўтказмоқчи

Рим дунё бўйлаб Италия номи билан иш олиб бораётган сохта ресторанларга қарши кураш бошламоқчи. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Жанни Алеманнонинг айтишича, уларда Италия таомлари тайёрланмай қўйилган.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган ҳужжатга биноан текширувдан ўтган ресторанларга Италия ресторанлар соҳиблари уюшмаси номидан сертификат берилади.

«Би-би-си» берган маълумотга кўра, Алеманно дунёда ҳар куни юзлаб Италия ресторанлари очилишини ва уларнинг кўпчилигида кираверишда осилган байроғидан бошқа ўз мамлакатига умуман алоқаси йўқлигини ҳам таъкидлаган.



*Корея рақс санъати нақадар жозибали...*

**Интернет хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари

2002 йил

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**2-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат этиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

3

шқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида махсус тармоқ бўлинмалари тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, ғайриқонуний хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

**7-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш**

Давлат органларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

**8-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

### II. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

**9-модда. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик**

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида рўёбга чиқарилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

5

қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

**16-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Фуқароларнинг қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган мурожаатлари узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган ўша давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида тегишли тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холис кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси қабул қилишга ҳақли.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш

8

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл этадиган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳамда рўёбга чиқариш фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органларининг белгиланган иш режимини бузмаслиги керак.

**19-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар**

Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ғайриқонуний ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

**20-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар**

Мурожаатни кўриб чиққан давлат органининг мансабдор шахси фуқарога мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Мурожаатни кўриб чиққан давлат органининг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда

10

га бориш муносабати билан сарф қилинган харажатларни қоплайди ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди. Маънавий зиён ҳам фуқаронинг аризасига биноан унга суд тартибида компенсация қилинади.

Фуқаронинг аризаси ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан фуқарога зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

**25-модда. Фуқароларнинг атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текширишга сарф қилинган харажатларни қоплаш**

Атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

***Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:***

***700035, Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Телефонлар: 139-82-66, 139-85-95, 139-87-34, 139-81-86.***

12

Газетхон муносабати

# Биз ёддан чиқарган маскан

Ватанимиз мустақил бўлгандан бери не-не савобли ишлар қилинди. Шаҳарларимиз кундан-кун кўркамлашмоқда, қадриятларимиз тикланиб, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерослар ўрганиляпти. Лекин эътибордан четда қолиб, харобаларга айланган, баъзан даштларни эслатувчи қабристонларни кўрганда бефарқ қараб туролмайсан киши.

Ўғлим 37 ёшда оғир касалликдан қазо қилди, бу ғам мени қабристонга бошлаб борди. Биринчи боришимдаёқ кўз олдимда ташландиқ, ниҳоятда аянчли бир манзара пайдо бўлди. Бир одамни дафн қилиш учун нечта марҳумларни оёқ тагида қолдириб, уларни босиб ўтишга мажбур бўларкансиз. Баҳор ойида ўғлим дафн этилган Янгиобод даҳасидаги «Чилон ота» қабристонига келиб, қабрни тополмай анча қийналдим, чунки шунчалик ўт босиб кетганки, юриб бўлмасди. Айтишларича, ўтларни юлиш мумкин эмас, улар саловат айтиб турар эмиш. Аслида эса бу ўтларни кеч кузда пишириб ўриб, мол-қўйларга пичан тайёрлашаркан. Бу ерда сувсиз қолиб сарғайиб ётган дарахтларни кўрсангиз, ачиниб кетасиз. Бу дарахтларни кўкартириш, парваришлаш, тозалаш, марҳумларни тартиб билан кўмиш кимнинг вазифаси, билмадим?

Бу тўғрида бош қотириш нафақат гўрковларнинг иши, балки диний идораларимиз, домла, имомларнинг ҳам вазифаси бўлса керак. Улар савобли ишларга бош бўлиб, харобаларга айланган қабристонларни обод қилсалар, у ерда ётган мўмин мусулмонларнинг руҳларини шод қилган бўлар эдилар. Маҳалламизда ўзига тўқ оилалар анчагина. Кимдир моддий, кимдир жисмоний ёрдам берса, қандай яхши бўларди. Бу савобли иш ҳар бир мусулмон фарзандининг бурчи, чунки, эртами-кеч, ҳаммамизнинг борар жойимиз — шу. Ҳаммамиз ҳам ўзимиз яшаётган даҳадаги қабристонларга эътибор бериб, боққа айлантиришга уринсак, ўтганлар руҳига нисбатан инсонийлик бурчларимизни ўтаган бўламиз. Боғни яратиш, кўкатларни кўкартириш, ободонлаштириш боғбоннинг қўлида. Тўғри, юртимизда қабристонларни саришта қилиб қўйган маҳаллалар кўп. Лекин мен юқорида айтган мисоллар ҳам кам эмас.

**Р.ЖАЛИЛОВА.**

